

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ў.Б.Баҳодиров

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Криминалистика ва суд
экспертизалари кафедраси катта ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20744452>

Аннотация: мазкур мақолада ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини тергов қилиш соҳасидаги қонунчилик асослари, амалий муаммолар ва институционал ислохотлар таҳлил қилинади. Жиноятларни тергов қилишда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ролини кучайтириш, ихтисослашган тергов органи сифатида ваколат бериш борасидаги фикрларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: тергов, ўзлаштириш, растрата, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, суд-бухгалтерия экспертизаси, тергов методикаси, тафтиш.

Аннотация: В данной статье анализируются законодательные основы, практические проблемы и институциональные реформы в сфере расследования преступлений, связанных с хищением путём присвоения или растраты. Особое внимание уделено вопросам усиления роли Департамента по борьбе с экономическими преступлениями при расследовании преступлений и наделения его полномочиями специализированного следственного органа.

Ключевые слова: расследование, присвоение, растрата, Департамент по борьбе с экономическими преступлениями, судебно-бухгалтерская экспертиза, методика расследования, ревизия.

Abstract: This article analyzes the legislative framework, practical challenges, and institutional reforms in the investigation of crimes involving embezzlement or misappropriation. Particular attention is given to strengthening the role of the Department for Combating Economic Crimes and the proposals to empower it as a specialized investigative authority.

Keywords: investigation, embezzlement, misappropriation, Department for Combating Economic Crimes, forensic accounting examination, investigative methodology, audit.

Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсизлиги ва уни ҳар қандай талон-торож қилишдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш Конституция даражасида

мустаҳкамланган бўлиб, Асосий Қонуннинг 65-66-моддаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши, шунингдек, хусусий мулк дахлсизлиги белгилаб қўйилган¹. Мулкка қарши ҳар қандай жиноятларни тезкор ва муқаррар тарзда фош этиш ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш Ўзбекистон қонунчилигида муҳим вазифа этиб белгиланган. Айнан мулкка тааллуқли ҳуқуқбузарликлардан бири сифатида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 167-моддасида назарда тутилган. Ушбу норма мулкдорнинг ишониб топширган ёки айбдор ихтиёрида бўлган мол-мулкни қонунга хилоф равишда ўзлаштириб олиш ёки бегоналаштириб юбориш ҳолатларини жиноят тарзида баҳолайди. Яъни, айбдорга махсус ишонч асосида топширилган ёки хизматига кўра ўз тасарруфида турган ўзганинг мулкни текинга ўзиники қилиб олиши ёки турли йўллар билан сарфлаб юбориши ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш деб квалификацияланади.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг юридик тавсифи уни бошқа мулкый жиноятлардан фарқлаш учун аниқ меъёрларни белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўз қарорларида таъкидлаганидек, агар шахс ўз хизмат вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра мулкни бошқариш ёки сақлаш ваколатига эга бўлиб, шу ваколатдан фойдаланиб мулкни ўзлаштира, қилмиши ЖК

167-моддаси таркибига киради². Аксинча, агар шахс бевосита бундай ваколатга эга бўлмаса-ю, аммо иш юритиш ёки хизмат туфайли мулк сақланаётган жойга кириш имкони билан фойдаланиб мулкни ўғирласа, бу ҳол ўзлаштириш эмас, балки ўғрилик сифатида баҳоланади. Шу тарзда, терговчи айб қилмишининг тўғри квалификациясига эътибор қаратиши зарур: мулкни қонунан топширилган ваколатдан чиқиб ўзлаштириш 167-модда диспозицияси, ваколатсиз ҳолда яширин равишда олдиндан қасд қилган ҳолда эгаллаш эса ўғрилик (169-модда) ёки фирибгарлик (168-модда) аломатларига мувофиқ келиши мумкин. Масалан, Олий суд Пленуми қайд этганидек, агар шахс мулкни олдиндан алдаш йўли билан эмас, балки қонуний олганидан кейин уни ўзлаштиришга қарор қилган бўлса, бундай

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 17.04.1998 йилдаги 11-сонли “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги Қарори 3-банд, 2-хатбоси билан.



ҳол қилмиш ўзлаштириш сифатида малакаланади³. Шу сабабли, терговда айнан жиноятнинг сабаб ва мақсадини, айбдорнинг мулкни қандай усул билан талон-торож қилганини аниқлаш ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят кодексининг 167-моддасига мувофиқ мазкур жиноят таркибида қилмишнинг хавфлилик даражаси ва ҳолатларига қараб бир нечта жазо чоралари белгиланган. Масалан, кўп миқдорда ёки такроран содир этилган ҳолатлар, хавфли рецидивист томонидан ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда содир этилса, жазо чораси қатъийлашиб, жаримадан тортиб узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилишгача белгиланади. Тергов учун бу ҳолатларни тўғри аниқлаш муҳим, жиноятнинг қайси банд асосида оғирлаштирувчи ҳолатга киришини аниқлаш учун етказилган моддий зарар миқдорини ва жиноятни амалга ошириш усулини исботлаш талаб этилади.

Хусусан, талон-торож қилинган мулк қиймати муҳим ҳолатлардан бири бўлиб, терговда айнан ушбу қиймат ва етказилган зарар миқдорини аниқлаш зарурияти туғилади. Зарар миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг маълум бараваридан ошса, иш судда оғирроқ тоифа сифатида кўрилиши ва жазо чораси қатъийроқ белгиланиши мумкин. Шунингдек, 167-модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар етказилган моддий зарар қопланса, суд ҳукмида озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазolari қўлланилмаслиги белгиланган. Бу норма жиноятни тергов қилишда айбдор шахсни кўнгилли равишда зарарни қоплашга ундайди ҳамда мулкый манфаатларни тиклашга хизмат қилади. Тергов амалиётида бунинг аҳамияти шундаки, кўп ҳолларда айбдор шахс етказилган зарарни қоплаб берса, жабрланувчи тараф даъво ва эътирозлардан воз кечиб, ишни якунлашга асос яратилиши мумкин, бироқ, бу ҳол ҳатто зарар қопланганда ҳам жиноят таркиби йўқолмаслигини, фақат жазо турини енгиллаштиришга олиб келишини терговчи тушунтириб бериши лозим.

Мазкур жиноятни тергов қилишда процессуал қонунчиликнинг асосий вазифаси - талон-торож қилмишини тез ва тўлиқ очиб, айбдор шахсни қонуний жавобгарликка тортишни таъминлаш, шу билан бирга айбсиз шахс жазоланиб кетмаслигини кафолатлашдан иборатдир. Жиноят-процессуал кодекси мазкур мақсадларни амалга ошириш учун жиноят ишини қўзғатишдан тортиб ишни судга юбориш ёки тугатишгача бўлган

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.06.2023 йилдаги 17-сонли “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори 8-банд 2-хатбошиси.

барча босқичларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуини ўз ичига олади. Тергов ва суриштирув органлари ўз фаолиятида қонунийлик, холислик ва тўла текширув принципларига амал қилиши шартлиги қонунчиликда мустаҳкамланган⁴. Терговда жиноятнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, айниқса иқтисодий-молиявий жиҳатдан таҳлилни талаб қилувчи ушбу жиноятни тадқиқ этишда махсус процессуал воситалар – экспертиза ва тафтиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидланганидек, қонунчиликда мулкни талон-торож қилиш жинояти учун жавобгарлик чекловлари унда етказилган зарар қийматига қараб фарқланади. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар талон-торож қилинган мулк қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай қилмиш “оз миқдордаги талон-торож” деб топилиб, жиноий эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик саналади⁵. Бошқача айтганда, оз миқдорда ўзлаштириш ёки растрата қилиш учун шахсга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари асосида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин. Бу қоида мулккий майда ҳуқуқбузарликларни криминаллаштирмасдан, лекин маълум тартибда жазолаш механизмини назарда тутди. Тергов нуқтаи назаридан, агар текширув жараёнида аниқланган талон-торож қилинган маблағ қиймати кам бўлса, жиноят ишини қўзғатмасдан туриб ишлар маъмурий тартибда кўрилиши мумкин. Терговга қадар текширув босқичида зарар миқдорини аниқ баҳолаш ҳамда у қонунчиликда белгиланган чегарадан ошган-ошмаганини тасдиқлаш терговнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради.

Тергов жараёни жиноят ишини қўзғатишдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (ЖПК) талабига кўра, ҳар қандай жиноят аломатлари аниқланганда ваколатли органлар (прокурор, терговчи ёки суриштирувчи) ўз ваколат доирасида дарҳол жиноят ишини қўзғатиши ва жиноятни очиш ҳамда айбдор шахсларни аниқлаб, жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўриши шарт. Жиноят ишини қўзғатиш учун асос ва сабаблар ЖПКнинг 322-моддасида санаб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат⁶:

⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 22-моддаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2025 й., 03/25/1084/0874-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 61-моддаси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2025 й., 03/25/1050/0276-сон.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 322-моддаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2025 й., 03/25/1084/0874-сон.



- фуқароларнинг аризалари - жисмоний шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қилган ёзма ёки оғзаки мурожаати жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиши мумкин;

- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар: юридик шахслар, мансабдор шахслар ёки жамоат бирлашмаларининг ўзларида содир бўлган жиноят тўғрисидаги билдируви ҳам жиноят иши қўзғатишга сабаб бўлади;

- ОАВ хабарлари - оммавий ахборот воситаларининг жиноят тўғрисидаги эълон қилинган ахбороти ҳам асос бўлиши мумкин. Масалан, газетада муайян идорада талон-торож фактлари ҳақида хабар берилса, бу маълумот асосида текширув ўтказилиб, иш қўзғатилиши мумкин:

- ваколатли органларнинг ўзлари аниқлаган маълумотлари - терговчи, суриштирувчи ёки прокурор ўз хизмат фаолияти давомида жиноят аломати бор ҳолатларни аниқласа, шунингдек, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган маълумот ва излар орқали жиноят содир этилганлигини билса, бу ҳолат ҳам иш қўзғатишга сабаб бўлади;

- айбини бўйнига олиш - жиноят содир этган шахснинг ўз ихтиёри билан келиб, содир этган қилмиши ҳақида билдириши ҳам иш қўзғатиш сабабидир. Бунда шахсга бошқалар каби арз бериш тартиби татбиқ этилади, фақат у ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилмайди.

Юқоридаги сабаблар ортидан, жиноят аломатлари мавжуд эканлиги тўғрисидаги ҳар қандай ҳаққоний маълумот жиноят ишини қўзғатиш учун юридик асос бўлади. Демак, терговга қадар текширув давомида олинган ёки аввалги материаллар асосида мулк талон-торож қилингани тўғрисида етарли маълумот шаклланган заҳоти иш қўзғатилиши шарт. Жиноят иши қўзғатиш тўғрисида ваколатли орган махсус қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади. Прокурор, ўз навбатида, иш қўзғатиш қарорининг қонунийлигини назорат қилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, аноним хабарлар асосида иш қўзғатилиши мумкин эмас, имзосиз ёки тўқима номлардан келган билдирувлар қонун бўйича жиноят ишини қўзғатишга асос бўла олмайди⁷.

Айрим ҳолатларда иш қўзғатишдан олдин терговга қадар текширув ўтказилиши мумкин. ЖПКнинг 39¹-моддасига мувофиқ, бундай текширувни ўтказиш ҳуқуқи бир қатор ваколатли органларга берилган.

⁷ Ўзбекистон Республикаси. Жиноят-процессуал кодекси 323-моддаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2025 й., 03/25/1084/0874-сон.

Бироқ жиноятнинг хавфлилик даражаси ва унинг ҳолатларига қараб иш бўйича дастлабки тергов ўтказилиши талаб этилиши мумкин. Жиноят кодексининг

167-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов иш қўзғатган дастлабки тергов органи томонидан амалга оширилади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган орган ёки суриштирув органи томонидан ушбу қисмда назарда тутилган жиноятлар бўйича иш қўзғатилган тақдирда, иш бўйича терговни амалга оширувчи дастлабки тергов органи прокурор томонидан белгиланади⁸.

Терговчи ва суриштирувчининг процессуал ваколатлари ЖПКда деярли ўхшаш тарзда белгиланган. Улар жиноят ишини қўзғатиш, тўхтатиш ёки тугатиш, гумон қилинувчиларни ушлаш ва сўроқ қилиш, иш учун аҳамиятли ҳар қандай тергов ҳаракатларини ўтказиш, гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш ҳақида қарор чиқариш каби ҳуқуқларга эга. Бироқ суриштирувчи айрим чекланган ваколатларга эга: масалан, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси тўғрисида фақат прокурор орқали илтимоснома киритиши мумкин, мустақил ҳал қила олмайди.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни фош этишда тергов органларининг тезкор бўлинмалар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи тегишли топшириқ орқали тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга айрим вазифаларни юклатиши мумкин (масалан, гумонланувчини қидириш, мулкни қидириш). Амалиётда иқтисодий жиноятлар бўйича терговчилар тезкор ходимлар билан биргаликда тафтиш материалларини ўрганиш, гумонланувчининг ҳаракатларини назорат қилиш, зарур ҳолларда яширин тезкор тадбирлар ўтказиш каби ишларда ҳамкорлик қилади. Терговчи ўз қарорлари ва кўрсатмалари бажарилиши устидан назорат қилади, прокурор эса, ҳам терговга қадар текширув, ҳам суриштирув ва дастлабки тергов босқичида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Терговга қадар текширув давомида улар жиноят аломатларини тасдиқлайдиган дастлабки маълумот ва далилларни йиғадилар ҳамда шу асосда иш қўзғатиш масаласини ҳал қиладилар. Масалан, иқтисодий

⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 345-моддаси 6-қисми. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2025 й., 03/25/1084/0874-сон.



жиноятларга оид маълумот тушса, дастлаб Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари текширув ўтказиб, маблағ ўзлаштирилганини аниқлаши ва шу асосда жиноят ишини қўзғатишга қарор қабул қилиши мумкин. Терговга қадар текширув материаллари кейинчалик жиноят иши материалларига қўшилади ва далиллар сифатида баҳоланади.

Тергов органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари Конституция ва процессуал қонунчилик талабларидан ташқари, прокуратура органларининг ҳам кўрсатмалари билан белгиланади, зеро, прокуратура тергов устидан назоратни амалга оширади. Жиноят-процессуал кодексининг умумий қоидаларига мувофиқ, ҳар бир маълумот ёки хабар келиб тушганда, терговчи уни қайд этиб, жиноят иши қўзғатиш учун асос ва сабаблар етарли ёки етарли эмаслигини текшириши лозим. Мазкур талаб мулкка доир талон-торож ҳолатларида ҳам татбиқ этилади. Кўп ҳолларда ўзлаштириш жинояти юзасидан иш қўзғатилишига корхона ёки муассасада ўтказилган инвентаризация, тафтиш хулосалари, ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги номутаносибликлар тўғрисидаги хабарлар сабаб бўлади. Юқорида таъкидланганидек, тергов бошланиши учун бевосита жабрланувчининг аризаси ҳамда ташкилот раҳбариятининг мурожаати ҳам асос бўлиши мумкин. Масалан, моддий жавобгар шахс бўлган омборчи ёки бухгалтер зиммасида камомад аниқланса, муассаса раҳбари далолатнома ва материаллар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади. Шундан сўнг, терговчи мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиб, процессуал суриштирувга киришади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг терговчиларига ҳам дастлабки терговни амалга ошириш ваколати берилиши лозим. Ваҳолангки, айрим тоифадаги жиноятларда ҳисоб-китобларга доир мутахассисларнинг ваколат доирасида чора тадбирлар амалга ошириши зарур ҳисобланади. Бироқ мазкур департамент терговчилари томонидан олиб бориладиган дастлабки тергов ҳаркатлари валютани ноқонуний муомалага киритиш, солиқдан бўйин товлаш, банкротликка оид қилмишлар каби иқтисодий жиноятлар билан шуғулланиши билан бир қаторда ўзлаштиришга оид жиноятларга ҳам нисбатан қўлланилиши лозим⁹. Демак, ҳозирги амалда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 февралдаги ЎРҚ-1038-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2025 й., 03/25/1038/0188-сон

торож қилиш ишлари бўйича дастлабки тергов асосан ички ишлар органлари томонидан юритилади, прокуратура эса қонунийлик устидан назорат ва айрим процессуал ҳаракатларни санкциялаш ваколатини амалга оширади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, терговчи ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тергов қилишга доир ҳуқуқий асосларни чуқур билиши лозим, шунингдек, ҳар бир ишда уларга таянар экан, жиноят таркиби тўғри квалификация қилинишига эришади. Амалдаги қонунчилик терговчига жиддий ваколат ва имкониятларни беради: текширув ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, экспертизалар тайинлаш, айбдорга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш ва ҳ.к. Терговчи ушбу ваколатларни қонунчилик талаблари асосида адолат ва холислик билан амалга ошириши шарт. Шунингдек, тергов методикаси соҳасида илмий тавсиялар ва психология қонун-қоидаларидан фойдаланиш жиноятни тез ва тўла очишга хизмат қилади. Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишда ҳужжатли далилларни таҳлил қилиш, мутакассислар хулосасидан фойдаланиш, айбдорнинг шахсий хусусиятларини инобатга олиб сўроқ тактикасини тўғри танлаш каби ўзига хос жиҳатлар мавжудлиги юқорида таҳлил этилди. Терговчи ана шу жиҳатларни тизимли услубда қўллаб, қонун талабларига оғишмай риоя қилган ҳолда иш юритса, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан содир этилган талон-торож қилмишларни фош этиш ва айбдорларни қонуний жавобгарликка тортиш таъминланади. Бу эса ўз навбатида мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини муҳофаза қилиш, иқтисодий муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш каби юксак мақсадларга эришишга хизмат қилади..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2025 й., 03/25/1050/0276-сон.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2025 йилдаги ЎРҚ-1038-сонли “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2025 й., 03/25/1038/0188-сон
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2022 йилдаги ПФ-257-сон “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги



Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.06.2024 й.,
06/24/91/0429-сон.

4.Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан
тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки
коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни
рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-банди олтинчи
хатбошиси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.06.2025 й.,
09/25/362/0507-сон

5.<https://president.uz/uz/lists/view/6971>

